

БИСМИЛЛААХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

**Имом Ҳусайн (алаиҳис салом)га аза тутиш бидъат амал бўлиб,
мусулмончилик хулқига тўғри келмайдими?!**

Охирги кунларда салафийлик ёхуд тўғрироғи ваҳҳобийлик ақидасининг тарафкашлари Аҳли-Байт издошларининг шаҳидлар Сайиди ва Сарвари бўлган Имом Ҳусайн (алаиҳис салом) мусибатларида азадор бўлиб, кўз ёш тўкишлари ҳақида айрим шубҳаларни илгари суриб, ўзларининг ғаразли фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Биз ушбу асаримизда дастлаб айтилган шубҳаларни тўлиқ келтириб, бу борада ўзимизнинг илмий-таҳлилий жавобларимизни тақдим этгаймиз:

«Роғизийлар, шиалар ва бошқа фирмаларнинг бидъат йўлларига тушииласлиги керак, ииғлаб-сиқтаб, фарёд кўтариб, аза тутишилар ярамайди. Чунки бундай хатти-ҳаракатлар мусулмончилик хулқига тўғри келмайди. Агар мусулмончилик хулқида дод-фарёд солиб, ўнгу сўлга қарамай ҳар ёққа лаънатлар ёғдириб мотам тутиши бўлсайди, Ҳусайннинг бобоси, коинотнинг қуёши - Пайғамбаримизнинг (алаиҳиссалом) вафоти куни бунга лойиқроқ эди».

Ушбу шубҳага жавобан илк навбатда шуни айтиш лозимки, шиаларнинг Мұхаррам ойида Имом Ҳусайн (алаиҳис салом) мусибатларини хотирлаб мотам ва таъзия маросимларини барпо этишлари уларнинг Мұхаммад Расулулуллоҳ (соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам) Аҳли-Байтларига бўлган чуқур муҳаббатлари учундир. Бу борада Аллоҳ таоло Ўзининг ҳикматли каломи бўлмиш Қуръони Каримда бизга шундай кўрсатма берган:

﴿فَلَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِلَّا الْمَوَدَّةُ فِي الْقُرْبَى﴾

[Эй, Мұхаммад (с.а.о), мусулмонларга] айтгин: «Мен сизлардан бу даъватим әвазига ажр-мукофот әмас, фақат яқинларимга [Аҳли-Байтимга] муҳаббатли бўлишинигина сўрайман, холос» (Шўро сураси, 23-оят).

Ушбу ояти каримага биноан, Пайғамбаримиз Аҳли-Байтларига бўлган муҳаббатимиз сабабли уларнинг бошларига келтирилган бало-мусибатларни ёдга олиб, кўз ёши тўкиб йиғласак ва аза тутсак, бидъат йўлларига тушган бўламиزم?! Лекин агар бошқа тоифадаги мусулмонлар сингари юқоридаги оятга амал қилмай, Расулулуллоҳ (соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам) Аҳли-Байтларига нисбатан бепарво ва бефарқ бўлсак, унда ҳидоят ва тўғри йўлда юрган мусулмонлар саналамиزم?! Қандай ҳам асоссиз ва бемаъни гап!!

Биз яшаётган ҳозирги кунда Пайғамбаримиз Аҳли-Байтларига қандай йўл билан меҳр ва муҳаббат кўрсатишими мумкин? Агар у улуғ зотларни,

уларнинг қиёматгача тенги бўлмаган фидокорликларини, Ислом умматининг ҳидояти учун қилган улкан ишларини хотирлаш ҳамда уларнинг мусибатларида ғамгин ва азадор бўлиб, у улуғ зотларнинг хотираси ва номини сақлаб қолишдан бошқа қандай йўл билан Аҳли-Байтга бўлган меҳр-у муҳаббатимизни изҳор этишимиз мумкин? Бошқалар каби бефарқ ва бепарво бўлиш билан нимага эришишимиз мумкин?!

Агар Сарвари коинот Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг кўрсатмалари асосида ул зотнинг Аҳли-Байтларига азадор бўлиб, таъзия очсан, унда «*бундай хатти-ҳаракатлар мусулмончилик хулқига тўғри келмайди*», деган гап қай даражада ўринли бўлади, деб ўйлайсиз?!

Шубҳасиз, Ислом тарихида ачинарли ва унтуилмас мусибатлардан бири Карбало заминида рўй берган Ашуро кунининг ўта оғир ва дардли воқеасидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ушбу воқеа ҳақида кўп маротаба сўз очиб, унинг қандай содир бўлишини олдиндан хабар бериш чоғида неваралари Имом Ҳусайннинг мазлум ҳолда шаҳид бўлишига кўз ёш тўкиб йиғлаганлар. Зероки ул зот Ислом уммати кейинчалик дуч келадиган воқеа-ҳодисалардан ваҳий ва илоҳий илм орқали хабардор бўлиб, ушбу ҳақиқатларни турли ўринларда мусулмонларга айтиб берардилар. Шу боис, ул зот Имом Ҳусайн *(алайҳис салом)*нинг келажакда шаҳид бўлиши ва унинг Ислом уммати орасидаги улкан таъсири ҳақида шундай марҳамат қилганлар:

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لِفَتْلِ أَخْسِينِ حَرَاءَةً فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لَا تَبْرُدُ أَبَدًاً».

«Албатта, Ҳусайннинг қатл этилиши мўминлар қалбида ҳеч қачон совимайдиган ҳароратни юзага келтиради».

Манба: Муҳаддис Нурий, «Мустадракул васоил», 10-жилд, 318-бет, 12084-ҳадис.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* Имом Ҳусайн *(алайҳис салом)*нинг таваллуд топган кунида йиғлайдилар. Бу ҳақда Ҳофиз Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳакий, Али ибн Ҳусайн (а.с)дан ва ул ҳазрат Асмо бинти Умайсдан шундай ривоят қиласидилар:

«Мен Ҳасан ва Ҳусайн түгилганида бувингиз Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*нинг дояси эдим. Ҳусайн (а.с) дунёга келганида, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* менга: «Эй Асмо, боламни менинг ёнимга олиб кел», дедилар. Ҳусайнни оқ матога ўраб, ул зотнинг қўлларига бердим. Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* боланинг ўнг қулогига аzon, чап қулогига иқомат айтдилар.

Сүнг болани құчоқларига олиб үйгладилар! Шунда мен ул зотга ота-онам сизга фидо бўлсин! Нега үйглайпсиз? дедим. У ҳазрат менга: «Ўғлимга үйглайпман!», дедилар. Мен ул зотга: Бола эндиғина тугилган бўлса, дедим. У зот: «Эй Асмо, бир гурух золимлар ўғлимни ўлдирадилар. Аллоҳ таоло шафоатимни уларга ато этмасин!», дедилар. Кейин ул ҳазрат: «Эй Асмо, буни Фотимага айтмагин! Чунки унинг эндиғина кўзи ёришган», дедилар».

Манба: Ҳофиз Абул Муаййид Хоразмий, «Мақтадул Ҳусайн», 1-жилд, 88-бет, олтинчи фасл: Ҳасан ва Ҳусайн фазилатлари.

Исломдаги ушбу мотам мажлиси Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг уйларида Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*) мусибатида ўтказилган биринчи мотам мажлиси эди. Ўша кунга қадар дунё аҳли боланинг туғилган кунида қувончшодлик ва хурсандчилик мажлиси ўтказиш ўрнига мотам мажлиси ўтказилганини ва янги туғилган боланинг дастлабки соатидаёқ, қувонч ила табриклаш ўрнига боланинг шаҳид бўлиши ҳақида хабар берилишини эшитмаган эди! Тарих Одам Ато алайҳиссаломдан то қиёматгача бундай воқеаходисани кўрмаган! Фарзанд дунёга келган илк чоғдаёқ қувончли совғалар ўрнига фарзанднинг Карбало заминида ўта аянчли ва фожеали тарзда қатл қилиниши ҳақида олдиндан хабар берилгани тарих бўйлаб Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*) дан бошқа ҳеч бир киши ҳақида келмаган!

Аҳли суннатнинг йирик ҳадисчи олимларидан бўлган Ҳоким Нисобурий ўзининг «Ал-Мустадраку алас-соҳиҳайн» номли китобида Умму Фазлдан Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*) нинг дунёга келишлари ҳақида шундай ривоят қиласи:

Мен Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг ҳузурларига шарафёб бўлиб, кеча жуда кўрқинчли туш кўрганимни у зотга айтдим. У зот менга: «Тушингни айтиб бер», дедилар. Мен дедим: Тушимда сизнинг муборак танангиздан бир парча узилиб, менинг этагимга тушганини кўрдим! Шунда ул ҳазрат дедилар:

«رأيَتْ خَيْرًا تَلَدَ فَاطِمَةَ غَلَامًا فِي كُوْكُونَ فِي حَجَرَكَ. فَوَلَدَتْ فَاطِمَةَ الْحَسِينَ فَكَانَ فِي حَجَرِي كَمَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ فَدَخَلَتِ يَوْمًا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ فَوَضَعَتْهُ فِي حَجَرِهِ ثُمَّ حَانَتْ مِنِي إِنْفَاتُهِ فَإِذَا عَيْنَا رَسُولَ اللَّهِ تَهْرِقَانَ مِنَ الدَّمْوَعِ فَقَلَّتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ بَأْيَ أَنْتُ وَأَمَّيْ مَا لَكَ؟ قَالَ: أَتَأْيَ جَبَرِيلَ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ، فَأَخْبَرَنِي أَنَّ أُمَّيْ سُتُّقْتُلَ أَبِي، فَقَلَّتْ هَذَا؟ فَقَالَ: نَعَمْ وَأَتَأْنِي تَرْبِيَةً مِنْ تَربِيَتِهِ حَمَراءً». *(Сунан аль-Табарани)*

«Яхши туш кўрибсан! Фотима ўгил бола дунёга келтиради ва у бола сенинг этагингда катта бўлади». Орадан бироз вақт ўтгач, Фотима Ҳусайнни дунёга келтирди. Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) айтганларидек бола менинг қарамоғимда эди. Бир куни мен Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг

хузурларига бориб, болани у зотнинг қучоқларига қўйдим. Кейин у зот болани эркалаётиб, ногаҳон муборак кўзлари ёшга тўлиб йигладилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Пайгамбари, отам ва онам сизга фидо бўлсин! Сизга нима бўлди?», дедим. Шунда ул зот дедилар:

«Жаброил *(алаїхис салом)* менинг ёнимга келиб, умматим ўглим Ҳусайнни ўлдириши ҳақида менга хабар берди. Шунда мен: «Бу боламними?», дедим. Жаброил *(алаїхис салом)*: «Ҳа, шу болангизни», деди ва менга унинг [Карбалонинг] тупрогидан бўлган бир қизил тупроқ берди».

Ҳоким Нишобурий ушбу ҳадисни ривоят қилгач, айтади:

«هذا حديث صحيح على شرط الشيوخين ولم يخرجاه.»

«Ушибу ҳадис Ином Бухорий ва Ином Муслимларнинг шартига кўра, саҳих саналади, гарчи у иккаласи ушибу ҳадисни ривоят қилмаган бўлсалар-да».

Манба: Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-соҳиҳайн», 3-жилд, 176-бет. Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 14-жилд, 197-бет. Ибн Касир, «Ал-Бидояту ван-Нихояҳ», 6-жилд, 258-бет. Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 12-жилд, 123-бет. Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 3-жилд, 8-бет. Ибн Саббоғ Моликий, «Ал-фусулул муҳиммаҳ фий маърифатил аиммаҳ», 2-жилд, 760-бет. Миқризий, «Имтоъул асмовъ», 12-жилд, 237-бет. Солиҳий Шомий, «Субулул ҳудо вар-рошод», 10-жилд, 154-бет.

Пайғамбар *(соллаллоҳу алаїхی ва олиҳі واصاللам)* Уммул Мўминин [мўминларнинг онаси] Умму Саламанинг уйларида Ином Ҳусайн *(алаїхис салом)*нинг Карбало заминидаги мусибатини хотирлаб азадор бўладилар. Бу ҳақда Умму Салама шундай ривоят қилганлар:

Ҳасан ва Ҳусайн менинг уйимда Пайғамбар *(соллаллоҳу алаїхی ва олиҳі واصاللам)*нинг кўз олдиларида ўйнаб юришганди. Шу пайт ҳазрати Жаброил *(алаїхис салом)* ерга тушиб Пайғамбарга деди:

«يَا مُحَمَّدَ! إِنَّ أَمَّتَكَ تُقْتَلُ ابْنَكَ هَذَا مِنْ بَعْدِكَ فَأَوْمَأْ بِيْدِهِ إِلَى الْحَسَنِ فَبَكَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ وَوَضَعَهُ إِلَى صَدْرِهِ ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ وَدِيعَةً عِنْدَكَ هَذِهِ التَّرِيَةِ وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَا أَمَّ سَلَمَةً إِذَا تَحَوَّلَتْ هَذِهِ التَّرِيَةُ دَمًا فَاعْلَمِي أَنَّ أَبِي قَدْ قُتِلَ.»

«Эй Мұхаммад, сизнинг умматингиз бу ўглингизни сиздан кейин ўлдиради, деб қўли билан Ҳусайнга ишора қилди. Шунда Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алаїхі ва олиҳі واصاللам)* йигладилар-да, Ҳусайнни қучоқлаб, бағриларига босдилар. Сўнг ул зот менга: «Бу тупроқ сенинг наздингда омонат бўлсин!», дедилар-да, сўзларида

давом этиб: «Эй Умму Салама, қачон бу тупроқ қонга айланса, билгинки, ўглим Ҳусайн ўлдирилган бўлади», дедилар».

Манба: Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ал-Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 189-бет, Бобу маноқибил Ҳусайн ибн Али.

Уммул Мўминин [мўминларнинг онаси] Умму Салама онамиз ушбу воқеани қуидагича ҳам ривоят қилганлар:

كان رسول الله صلى الله عليه وسلم جالسًا ذات يوم في بيته، فقال: لا يدخل عليٌ أحد، فانتظرت فدخل الحسين رضي الله عنه، فسمعت نشيج رسول الله صلى الله عليه وسلم يبكي، فاطلعت فإذاً حسین في حجره والنبي صلى الله عليه وسلم يمسح جبينه وهو يبكي، فقلت: والله! ما علمت حين دخل، فقال: إنَّ جبريل عليه السلام كان معنا في البيت فقال: تحبه؟ قلت: أما من الدنيا فنعم، قال: إنَّ أمتك ستقتل هذا بأرض يقال لها كربلا، فتناول جبريل عليه السلام من تربتها فأراها النبي صلى الله عليه وسلم، فلما أحبط حسین حين قتل، قال: ما اسم هذه الأرض؟ قالوا: كربلاء، قال: صدق الله ورسوله أرض كرب و بلاء.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бир куни менинг үйимда ўтиргандилар. Шунда у зот менга: «Хеч ким менинг олдимга кирмасин», дедилар. Мен қараб тургандим. Ҳусайн разияллоҳу анҳу үйга кириб келди. Шунда мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг йиги товушларини эшиитдим. Бошимни кўтариб қарасам, Ҳусайн у зотнинг қучоқларида ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) йиглаган ҳолда унинг пешонасини силаб-сийпардилар. Шунда мен: «Аллоҳга қасамки, Ҳусайннинг кириб келганини пайқамабман!», дедим. У зот: «Үйда Жаброил (алайҳис салом) биз билан бирга эди. Шунда у менга: «Бу фарзандингизни севасизми?», деди. Мен: «Ҳа, бу дунёда албатта», дедим. У менга: «Умматингиз бу фарзандингизни Карбало деган заминда ўлдиради», деди. Шунда Жаброил (алайҳис салом) у ернинг тупрогидан бир оз олиб, уни Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га кўрсатди. Имом Ҳусайн ҳар томондан қуршаб олиниб ўлдирилаётган пайтда: «Бу ернинг номи нима?», деб сўрадилар. Ул ҳазратга: Бу ернинг номи «Карбало», деб айтилди. Имом Ҳусайн: «Аллоҳ ва Унинг Расули тўғри сўзладилар. Бу ер бало ва мусибатлар заминидир», дедилар».

Манба: Табароний, «Ал-Мўъжамул Кабийр», 3-жилд, 108-бет. Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ал-Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 188-бет, Бобу маноқибил Ҳусайн ибн Али.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Уммул Мўминин [мўминларнинг онаси] Оиша онамизнинг уйида ҳам Имом Ҳусайн (алайҳис салом)нинг мусибатини ёдга олиб йигладилар. Бу ҳақда Оиша онамиз ривоят қилиб айтадилар:

Бир куни ҳазрати Жаброил (алаіхис салом) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаіхی ва олихی васаллам) нинг ҳузурларига келиб, Аллоҳ таоло томонидан ул зотга ваҳий келтириди. Шу пайт Ҳусайн Пайғамбарнинг ёнларига келди-да, ул ҳазратнинг елкаларига ва белларига чиқиб ўйнай бошлади. Ҳазрати Жаброил (алаіхис салом) у зотга деди:

«يا محمد! إن أُمْتَك ستفتن بعْدك وَتُقتل ابْنُك هذَا مِنْ بَعْدِك وَمَدَّ يَدُه فَأَتَاه بِتَرْبَةٍ بِيَضَاءٍ وَقَالَ: في هَذِهِ الْأَرْضِ يُقْتَلُ ابْنُك إِنْهَا الطَّفُّ. فَلَمَّا ذَهَبَ جَبَرِيلُ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ إِلَى أَصْحَابِهِ وَالثُّرَيْةِ فِي يَدِهِ وَفِيهِمْ أُبُو بَكَرَ وَعُلَيْ وَحْدِيَّةَ وَعَمَّارَ وَأُبُوذْرَ وَهُوَ يَبْكِيُ، فَقَالُوا: ما يُبَكِّيكَ يا رَسُولَ اللَّهِ! فَقَالَ: أَخْبَرْنِي جَبَرِيلُ أَنَّ ابْنَيَ الْحَسِينَ يُقْتَلُ بَعْدِي بِأَرْضِ الطَّفِّ وَجَانِي بِهَذِهِ التُّرَيْةِ فَأَخْبَرْنِي أَنَّ فِيهَا مَضْجُوعَهُ.».

«Эй Мұхаммад, умматингиз сиздан кейин фитналар қилиб, бу ўглингизни ўлдиргайлар. Шунда Жаброил (алаіхис салом) қўлини чўзиб, оқ рангли тупроқ олиб келиб деди: «Сизнинг ўглингиз шу заминда ўлдирилади. У ернинг исми Тафдир! [Карбало чўлига «Таф» ҳам дейилади]». Ҳазрати Жаброил (алаіхис салом) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаіхі ва олихі васаллам) ёнларидан кетгач, ул зот қўлларида ўша тупроқни тутиб йиглаган ҳолда Абу Бакр, Умар, Али, Ҳузайфа, Аммор ва Абу Зардан иборат бир гуруҳ саҳобалар олдига чиқдилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизнинг йиглашингизга нима сабаб бўлди?», деб сўрашиди. Ул ҳазрат уларга: «Ҳазрати Жаброил (алаіхис салом) ўглим Ҳусайннинг мендан кейин «Таф» деган заминда ўлдирилиши ҳақида менга хабар бераб, ушбу тупроқни менга олиб келди ва унинг қабри ўша ерда бўлиши ҳақида менга хабар берди», дедилар».

Манба: Мовардий, «Иъломун-Нубувваҳ», 83-бет. Ибн Ҳажар Ҳайтамий, «Ас-Савиқул мұхриқаҳ», 192-бет, 3-фасл: Ҳусайн ибн Али ҳақидаги ҳадислар. Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ал-Ҳайсамий, «Мажмаъуз-зовоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 188-бет, Бобу маноқибил Ҳусайн ибн Али. Табароний, «Ал-Мўжамул Кабийр», 3-жилд, 107-бет.

Ушбу маъно-мазмунда Уммул Мўминин Оишадан кўплаб ҳадислар ривоят қилинган.

Пайғамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаіхі ва олихі васаллам) ҳамда у зотнинг саҳобалари Имом Ҳусайн (алаіхис салом) шаҳид бўлишлари ҳақида хабардор бўлганларида кўз ёш тўкиб йиғлайдилар. Бу ҳақда Аҳли суннатнинг буюк олимларидан бўлган Ибн Аъсам ал-Куфий Ибн Аббосдан ривоят қиласи:

Имом Ҳусайн (алаіхис салом) нинг икки ёшли гўдаклик чоғлари эди. Пайғамбар (с.а.в) сафарга ҳозирлик кўраётиб, сафарнинг ilk қадамларидаёқ ногаҳон

тўхтаб: «*إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ* Албатта, биз Аллоҳниkimiz ва албатта, биз Унга қайтувчилармиз», дедилар-да, муборак қўзларидан ёш оқиб йиғладилар. Саҳобалар у зотнинг йиғлашлари сабабини сўрашганида, у зот уларга:

«هذا جبرئيل يخبرني عن أرض بسط الفرات يقال لها كربلا يقتل فيها الحسين بن فاطمة».

«Бу Жаброил (*алаиҳис салом*) Фурот дарёси бўйидаги Карбало деб айтиласиган ер ҳақида менга хабар бермоқда. Фотиманинг ўгли Ҳусайн ўша ерда ўлдирилар экан».

Саҳобалар Пайғамбар (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи вاصالлам*)дан Имом Ҳусайн (*алаиҳис салом*)нинг қотили ҳақида сўрашганида, у зот шундай дедилар:

«رجل يقال له يزيد وكأي أنظر إلى مصرعه ومدفنه».

«Фарзандимнинг қотили Язид деган кишиидир. Гўё мен Ҳусайннинг ўлдирилган ва дағн этилган жойини кўриб тургандекман».

Кейин Сарвари олам ғамгин ва хафа ҳолда сафарни давом эттирмай, Мадинаға қайтдилар. Ул зот хутбаларини тугатгач, ўнг қўлларини Имом Ҳасаннинг бошига, чап қўлларини эса Имом Ҳусайннинг бошига қўйдилар. Сўнгра муборак қўлларини осмонга қўтариб:

«اللَّهُمَّ إِنَّ مُحَمَّداً عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ وَنَبِيُّكَ، وَهَذَا نَاطِبُ عِتْرَقِي، وَجِيَارُ ذُرِيَّتِي وَأَرْوَمَتِي، وَمَنْ أَخْلِفُهُمَا فِي أُمَّتِي، وَقَدْ أَخْبَرَنِي جَبَرِيلٌ أَنَّ وَلَدِي هَذَا مَقْتُولٌ مَحْذُولٌ، اللَّهُمَّ فَبَارِكْ لَهُ فِي قَتْلِهِ، وَاجْعَلْهُ مِنْ سَادَاتِ الشُّهَدَاءِ، اللَّهُمَّ لَا تُبَارِكْ فِي قَاتِلِهِ وَخَازِلِهِ، وَأَصْلِهِ حَرَّ نَارَكَ، وَاحْشُرْهُ فِي أَسْفَلِ دَرَكِ الْجَحِيمِ».

«Эй Аллоҳим, Мұхаммад Сенинг банданг, элчинг ва пайғамбарингдир. Ва бу иккиси менинг Аҳли-Байтимнинг покизалари ва зурриётимнинг танланганлари ҳамда менинг аслим ва илдизимдирлар. Мен бу иккисини умматим орасида ворисим ва давомчим қилиб қолдираман. Жаброил (*алаиҳис салом*) бу ўглимнинг ўлдирилиши ва ёрдамчисиз қолдирилиши ҳақида менга хабар берди. Эй Аллоҳим, Ҳусайнга шаҳидликни муборак этгин ва уни шаҳидлар сарвари қилгин! Эй Аллоҳим, унинг қотилига ҳам, хорловчисига ҳам хайр-барақа ато этмагин! Уни Ўз дўзахингнинг ҳароратли оловига киргизгин ва унга жаҳаннамнинг энг наст даражасидан жой бергин», дедилар.

قال: وَضَعَ النَّاسَ فِي الْمَسْجِدِ بِالْبَكَاءِ. فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلهِ وَسَلَّمَ:

Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг сўзлари бу ерга етгач, масжидда ҳозир бўлган кишилар баланд овозда фарёд кўтариб йиглай бошлашди. Шунда Сарвари коинот уларга юзланиб:

«أَتَبْكُونَ وَلَا تَنْصُرُونَهُ؟».

«Йиглайсизлар-у, унга ёрдам бермайсизларми?», дедилар.

ثم نزل علي المنبر ولم يبق أحد من المهاجرين والأنصار إلّا واستيقن أنَّ الحسين مقتولٌ.

Сўнгра Пайғамбар (с.а.в) минбардан тушдилар. Муҳожир ва ансорлардан иборат саҳобалардан бирор киши қолмадики, Имом Ҳусайннинг шахид бўлишига ишонч ҳосил қилмаган бўлсин.

Шундан сўнг ул зот масjidдан ташқарига чиқдилар ва бир неча вақтдан сўнг у зотнинг ранглари ўзгарган ва юзлари қизарган ҳолда масжидга қайтиб келиб, кўзлари ёшли ҳолда дедилар:

«أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي حَلَفْتُ فِيمَا كَانَتْ لِيْ حَلْفٌ أَنْ أَهْلِيَّ بَيْتِيْ وَمَزَاجَ مَائِيْ وَثَمَرِيْ، لَنْ يُغْتَرِقَا حَتَّىْ يَرِدَا عَلَيَّ الْحُوْضُ، وَإِنِّي لَا أَسْأَلُكُمْ فِي ذَلِكَ إِلَّا مَا أَمْرَنِي رَبِّيْ أَنْ أَسْأَلُكُمُ الْمَوْدَةَ فِي الْقُرْبَى، فَانْظُرُوْا أَنْ لَا تَلْقُوْنِي غَدَّاً عَلَيَّ الْحُوْضُ، وَقَدْ أَبْعَضْتُمْ عِرْتِيْ وَظَلَمْتُمُوهُمْ».«

«Эй одамлар, мен сизларнинг орангизда икки қимматбаҳо нарсани қолдирман; Аллоҳнинг китоби – Куръон ҳамда Аҳли-Байтим, хонадоним аҳлидир. Улар менинг ҳаётим суви билан қоришган ва вужудим меваси бўлган кишилардир. Бу иккиси Кавсар ҳовузи ёнида менинг ҳузуримга кириб келгунга қадар зинҳор бир-биридан ажралмас. Ва мен фақат Парвардигорим менга буюрган нарсанигина сиздан сўрайман, холос. У ҳам бўлса, Аҳли-Байтимга нисбатан муҳаббатли бўлишингиздир. Демак, қарангиз, эртага қиёмат кунида Кавсарнинг ёнида менинг Аҳли-Байтни ёмон кўрган ва уларга зулм-жабр қилган ҳолингизда мен билан учрашмангиз».

Манба: Аҳмад ибн Аъсам ал-Куфий, «Ал-Футух», 4-жилд, 326-бет. Ибн Намо Ҳиллий, «Мусийрул аҳzon», 18-бет. Сайид ибн Товус, «Ал-Лухуф фий қотлаа аттуфуф», 14-бет.

Аҳли суннатнинг юқоридаги мўътабар манбаларида келган ҳадиси шарифлардан пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг ўзлари Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*) мусибатларида аза тутишнинг асосчиси эканликлари ҳамда Карбало фожеасини хотирлаб азадор бўлиш Пайғамбаримиздан бизга **МЕРОС** ва **СУННАТ** эканлиги ва натижада ушбу амал бидъат эмаслиги ошкора маълум бўлади. Ҳаттоқи, юқоридаги ривоятга

кўра, Сарвари оламнинг саҳобалари ул зотдан Имом Ҳусайн (*алаиҳис салом*)га нисбатан Карбало заминида рўй берадиган фожеа ва мусибатларни эшитганларида фарёд кўтариб, баланд овозда йиғлайдилар.

Юқоридаги маълумотлардан ташқари, «*ийғлаб-сиқтаб, фарёд кўтариб, аза тутишилар ярамайди*. Чунки бундай хатти-ҳаракатлар мусулмончилик хулқига тўғри келмайди», деб айтилган гап нақадар асоссиз ва бемаъни эканлигини билиш учун эътиборингизни Уммул Мўминин Оишанинг аза тутиши ҳақидаги ривоятга жалб этамиз:

Аҳмад ибн Ҳанбал ўзининг «*Ал-Муснад*» номли китобида Уммул Мўминин Оишадан шундай ривоят қиласди:

«*مات رسول الله صلى الله عليه وسلم ... وَقَمْتُ أَلْتَدِمْ، أَضْرَبَ صَدْرِيْ، مَعَ النِّسَاءِ وَأَضْرَبَ وَجْهِيْ*».

«*Расулуллоҳ* (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*) *вафот* этганларида аёллар билан бирга ийғлаб-сиқтаб, кўксимга урар ва юзимга урар эдим».

Манба: Аҳмад ибн Ҳанбал, «*Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал*», 6-жилд, 274-бет. Мұхаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «*Тарихут-Табарий*», 2-жилд, 441-бет. Ибн Асир Ал-Жазарий, «*Ал-Комилу фит-тарих*», 2-жилд 323-бет. Ибн Ҳишом Ал-Хумайрий, «*Ас-Сийратун Набавийяҳ*», 4-жилд, 1069-бет. Ибн Касир, «*Ас-Сийратун Набавийяҳ*», 4-жилд, 477-бет ва яна Ибн Касир, «*Ал-Бидояту ван-Ниҳояҳ*», 5-жилд, 261-бет.

Хўш, энди ўзингиз айтинг-чи, Уммул Мўминин Оиша онамизнинг Сарвари коинот вафот этганларида йиғлаб-сиқтаб, фарёд кўтариб, кўксига ва юзига уриши бидъат бўлганми?! Оиша онамиз бу ишлари билан бидъат амални бажарганларми?! Ва бундай хатти-ҳаракатлар мусулмончилик хулқига тўғри келмайди, деб айтишга журъат эта оласизми?!

Яна бу борада «*Саҳиҳи Бухорий*» китобида пайғамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алаиҳи ва олиҳи васаллам*) вафотларидан сўнг у зотнинг нуридийдалари ҳазрати Фотимаи Захро (*саломуллоҳи алаиҳо*) оталарининг мотамларида куюниб, нола қилиб кўз ёши тўккан ҳолда аза тутганлари ҳақида шундай ривоят қилинган:

٤١٩٣ - حدثنا سليمان بن حرب: حدثنا حماد، عن ثابت، عن أنس قال: لَمَّا ثَقَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَعَلَ يَتَغَشَّاهُ فَقَالَتْ فَاطِمَةُ عَلَيْهَا السَّلَامُ: وَأَكْرَبَ أَبَاهُ، فَقَالَ لَهَا: «أَلَيْسَ عَلَى أَبِيهِ كَرْبَ بَعْدَ الْيَوْمِ». فَلَمَّا ماتَ، قَالَتْ: يَا أَبَتَاهُ، أَجَابَ رَبَا دُعَاهُ، يَا أَبَتَاهُ، مِنْ جَنَّةِ الْفَرْدُوسِ مَأْوَاهُ، يَا أَبَتَاهُ، إِلَى جَبَرِيلَ نَعَاهُ. فَلَمَّا دُفِنَ، قَالَتْ فَاطِمَةُ عَلَيْهَا السَّلَامُ: يَا أَنْسُ! أَطَابَتْ أَنْفُسَكُمْ أَنْ تَخْنُوا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ التَّرَابَ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллох» (соллаллоху алайхи ва олихи васаллам) нинг хасталиги огирашиб, у зотнинг беморлик огриги ҳуишдан кетиши ҳолатларига етгач, Фотима (алайхас салом) дедилар: Оҳ, отам қанчалар дард чекмоқдалар. Расулуллох» (соллаллоху алайхи ва олихи васаллам) қизларига: «Бугундан кейин отанга дарду азоб бўлмас», дедилар. Расулуллох» (соллаллоху алайхи ва олихи васаллам) вафот этганларида, Фотима (алайхас салом): «Эй отажон, отам Парвардигорнинг даъватини ижобат этдилар. Эй отажон, жаннатул Фирдавс отамнинг жойларидир. Эй отажон, отамнинг вафотлари хабарини Жаброил (алайхис салом) га айттурмиз», дедилар. Расулуллох» (соллаллоху алайхи ва олихи васаллам) дағн этилгач, Фотима (алайхас салом): «Эй Анас, Расулуллох» (соллаллоху алайхи ва олихи васаллам) нинг устларига тупроқ ташлашга кўнглингиз бўлдими?!», дедилар».

Манба: Мұхаммад ибн И smoил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», 67-Китобул Мағозий, 78-Бобу марозун-Набий соллаллоху алайхи васаллам ва вафаатуҳу, 4193-ҳадис.

Энди яна айтинг-чи, аёлларнинг саййидаси ва сарвари бўлган ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоху алайхо) оталари Расулуллох» (соллаллоху алайхи ва олихи васаллам) нинг вафотларида куюниб, нола қилиб азадор бўлишларини ҳам бидъат деб билиб, бундай хатти-харакатлар мусулмончилик хулқига тўғри келмайди, деб айта оласизми?!

Мўминлар амири ҳазрати Али (алайхис салом) билан бирга Ибн Аббос Карбало диёридан ўтаётганларида қаттиқ йиғлаганлари ҳақида Аҳли суннатнинг мўътабар манбаларида айтилган. Ибн Аббос бу ҳақда шундай ривоят қиласди:

Биз Сифийн жангига ҳазрати Али (алайхис салом) билан биргаликда Найнаво [Карбалонинг бошқа номи] диёридан ўтаётганимизда, ул ҳазрат менга дедилар:

«يا ابن عباس! أتَعْرِفُ هَذَا الْمَوْضِعَ؟ قَلْتُ لَهُ: مَا أَعْرِفُهُ يَا أَمِيرَالْمُؤْمِنِينَ فَقَالَ عَلَيْهِ السَّلَامُ: لَوْ عَرَفْتُهُ كَمَعْرِفَتِي لَمْ تَكُنْ تَجْوِزَهُ حَتَّىٰ تَبَكَّيَ، قَالَ: فَبَكَى طَوِيلًا حَتَّىٰ اخْضَلَتْ لَحِيَتَهُ وَسَالَتِ الدَّمْوَعُ عَلَى صَدْرِهِ وَبَكَيْنَا مَعًا وَهُوَ يَقُولُ: أَوْهُ أَوْهُ مَالِيٌّ وَلَا لَأُبَيْ سَفِيَانُ، مَالِيٌّ وَلَا لَحْبٌ حَرْبٌ، حَزْبُ الشَّيْطَانِ وَأَوْلَيَاءُ الْكُفَّارِ صَبَرًا أَبَا عَبْدِ اللَّهِ... ثُمَّ بَكَى طَوِيلًا وَبَكَيْنَا مَعَهُ حَتَّىٰ سَقَطَ لَوْجَهِهِ وَغَشَّ عَلَيْهِ طَوِيلًا ثُمَّ أَفَاقَ».»

«Эй Ибн Аббос, бу ерни танийсанми? Мен: «Йўқ, бу ерни танимайман эй мўминлар амири», дедим. Шунда ул ҳазрат: «Агар мен таниганимдек бу ерни танисанг эди, менинг йиғлаганимдек йигламай туриб бу ердан ўтмасдинг», дедилар. Ибн Аббос айтади: Кейин ул ҳазрат узоқ йиғладилар, тоқи соқоллари ҳўл бўлиб, кўз ёшлари кўксиларига оқди ва биз ҳам у зот

билин бирга йигладик. Ҳазрати Али (*алайхис салом*) йиглаган ҳолда: «Ажабо! Абу Сүфён хонадонининг ва Ҳарб хонадонининг, шайтон гуруҳи ва куфр авлиёларининг мен билан нима иши бор!», дедилар ва сўзларида давом этиб: «Эй Абу Абдуллоҳ, [фарзандим Ҳусайн,] сабр қилгин», дедилар-да, кейин узоқ йигладилар ва биз ҳам ул ҳазрат билан бирга йигладик. Токи, у зот [кўп йиглашдан] юзлари билан ерга ииқилиб, узоқ вақт ҳушдан кетдилар. Сўнгра ул ҳазрат ўзларига келдилар».

Манба: Сибот ибн Жавзий, «Тазкиратул хавос», 225-бет. Ҳофиз Абул Муаййид Хоразмий, «Мақтадул Ҳусайн», 162-бет.

Мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (*алайхис салом*) Карбало заминидан ўтаётганларида у ерда тўхтаб келажакда рўй берадиган Карбало фожеасини хотирлаб ҳушдан кетгунча узоқ ва қаттиқ йиғлашларини бидъат амал деб билиб, бундай хатти-ҳаракатлар мусулмончилик хулқига тўғри келмайди, деб айтишга тилингиз борадими?!

Бу ҳақда шиа ва аҳли суннатнинг ҳадисий ва тарихий китобларида кўплаб ҳадислар ва ривоятлар келган. Ҳатто айрим Улул-Азм [мустақил шариат ва китоб соҳиби бўлган] пайғамбарларнинг Карбало заминидан ўтаётганда у ерда тўхтаб, сўнгги пайғамбар Муҳаммад Мустафо (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) фарзанди шаҳид бўлиши ҳақида хабар бериб йиглаганликлари ҳадисий ва тарихий китобларда айтилган.

Энди «агар мусулмончилик хулқида дод-фарёд солиб, ўнгу сўлга қарамай ҳар ёққа лаънатлар ёғдирив мотам тутиши бўлсайди, Ҳусайннинг бобоси, коинотнинг қуёши - Пайғамбаримизнинг (*алайхиссалом*) вафоти куни бунга лойиқроқ эди», деган гапга келсак, дастлаб шуни айтмоқлик лозимки, шиалар пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг Аҳли-Байтларига зулм қилган золим кимсаларга лаънатлар айтишлари Аллоҳнинг ҳикматли каломи бўлмиш Қуръони Каримнинг кўрсатмасига биноандир. Қуръони Каримда бу борада шундай марҳамат қилинган:

﴿وَنَادَى أَصْحَابُ الْجَنَّةِ أَصْحَابَ النَّارِ أَنْ قَدْ وَجَدْنَا مَا وَعَدْنَا رَبُّنَا حَقًّا فَهُلْ وَجَدْنُمْ مَا وَعَدَ رَبُّكُمْ حَقًّا قَالُوا نَعَمْ فَأَذْنَنَّا مُؤْذِنْنِنْهُمْ
أَنْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الطَّالِمِينَ﴾

«Ва жаннат эгалари дўзах эгаларига қараб: «Бизлар Парвардигоримиз бизга берган ваъданинг ҳақ эканини топдик. Сизлар ҳам Парвардигорингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдингизми?!», деб нидо қиласидилар. Улар:

«Ҳа», дерлар. Шунда улар ўрталарида бир жарчи: «Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!», деб жар солади. (Аъроф сураси, 44-оят)

﴿وَمَنْ أَظْلَمُ مِنْ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أُولَئِكَ يُعْرِضُونَ عَلَى رَحْمَمْ وَيَقُولُ الْأَشْهَادُ هُؤُلَاءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى رَحْمَمْ أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ﴾

«Аллоҳга нисбатан ёлгон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор? Ундан кимсалар Парвардигорларига рўбарў қилинурлар ва ҳамма гувоҳлар: «Ана шулар Парвардигорлари шаънига ёлгон сўзларни айтганлардир», дерлар. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларга бўлсин!». (Худ сураси, 18-оят)

Демак, юқоридаги икки ояти каримага кўра, «Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!», деб золим кимсаларга лаънатлар ёғдирилган. Лаънатлаш ва лаънат айтишнинг маъноси Аллоҳ таолонинг раҳматидан узоқлаштиришни Ундан сўраш бўлиб, шиалар Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам) Ахли-Байтларига зулму жафо қилишга асос солиб, Сарвари коинотдан кейин Мадинаи Мунавварада у зотнинг нуридийдалари ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоҳи алайҳо)нинг уйларига бостириб бориб кўп ноҳақликларга қўл уриб, Карбало фожеаси рўй беришига замин яратган илк золимларга ҳамда Карбало фожеасида Сарвари оламнинг Ахли-Байтлари бўлмиш Имом Хусайн (алайҳис салом)ни, ул ҳазратнинг фарзандларини, биродарларини ва ёр-асҳобларини қатл этиш билан Ислом тарихида ўта буюк зулм ва жиноят содир этган кимсаларга лаънатлар айтиб мотам тутадилар. Бундай золим кимсалар ҳақида Куръони Каримда шундай дейилган:

﴿وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مُنْقَلِبٍ يُنَقِّلُونَ﴾

«Ва золим кимсалар қай оқибат томон кетаётганликларини билиб олурлар». (Шуаро сураси, 227-оят).

Шундай қилиб, шиаларнинг золимларга лаънатлар ёғдириб мотам тутиши Куръони Каримнинг юқоридаги икки оятига мувофиқ ҳамда Сарвари коинот Али-Байтларини яхши кўриш кераклиги ҳақидаги Шўро сурасининг 23-ояти кўрсатмасига биноандир. Демак, шиалар пайғамбаримиз Мухаммад Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам) Ахли-Байтларига бўлган муҳаббатлари сабабли у буюк зотларнинг бошларига келтирилган бало-мусибатларни ва уларнинг энг оғири бўлмиш Карбало фожеасини хотирлаб, кўз ёши тўкиб йиглайдилар ва мотам тутадилар. Зоро, шиалар бажарадиган ушбу амаллар Куръони Карим кўрсатмаларига мувофиқдир. Аммо афсуски бошқа тоифадаги

мусулмонлар ушбу ҳақиқатдан бехабар ва баъзан бепарво бўлиб, ҳатто уни фаҳмлашдан ҳам ожиздирлар.

Яна ушбу шубҳада: «Хар ёққа лаънатлар ёғдириб мотам тутши бўлсайди, Ҳусайнинг бобоси, коинотнинг қуёши - Пайгамбаримизнинг (алайҳис салом) вафоти куни бунга лойиқроқ эди» деб айтилган гапнинг навбатдаги жавобига келсак, дастлаб шуни таъкидлаб айтиш лозимки, Имом Ҳусайн (алайҳис салом)нинг инқилобий ҳаракатлари ул ҳазратнинг боболари Мухаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) машаққат ва қийинчиликлар билан 23 йил давомида Аллоҳ таоло томонидан олиб келган Ислом динини сақлаб қолиш ва уни қайта жонлантиришга қаратилган эди. Зоро, Абу Суфённинг ўғли Муовия ҳукумат тепасига келиши билан Ислом динининг қадриятлари ва кўрсатмалари мусулмонлар орасида шу даражада ўзгардики, Исломдан фақатгина қуруқ бир ном қолди, холос. Ушбу ном ҳам Муовия ўлимидан сўнг Язиднинг тахт тепасига келиши билан буткул нобуд бўлиш ҳолатига келди. Бу ҳақда Имом Ҳусайн (алайҳис салом)нинг ўзлари шундай деб марҳамат қилганлар:

إِنِّي لَمْ أَخُرْجْ أَشِرَاً وَلَا بَطِرَاً وَلَا مُفْسِدَاً وَلَا ظَالِمًا إِنِّي حَرَجْتُ لِطَلَبِ الْإِصْلَاحِ فِي أُمَّةٍ جَدِّي أَرِيدُ أَنْ آمُرَ بِالْمَعْرُوفِ وَأَنْهِي عَنِ
الْمُنْكَرِ وَأَسِيرَ بِسِيرَةِ جَدِّي وَأَبِي عَلَيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ عَلَيْهِ السَّلَامُ.

«Дарҳақиқат, мен исён ва худбинлик юзасидан ёки бўйин товлаш ва тақаббурлик юзасидан ёки фасод-бузгунлик қилиши ёхуд зулму адолатсизлик юзасидан чиқиши қилмадим, балки мен бобом Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг умматларини ислоҳ қилиши учун оёққа турдим. Мен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармоқчиман ҳамда мен бобом Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва отам Али ибн Абу Толиб (алайҳис салом)нинг йўлларидан бормоқчиман».

Манба: Хатиб Хоразмий, «Мақтaluл Ҳусайн», 1-жилд, 188-бет.

Имом Ҳусайн (алайҳис салом)нинг келажакдаги бундай улкан ишларидан ғайбий илм ила олдиндан хабардор бўлган ҳазрати Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз набиралари Имом Ҳусайн (алайҳис салом) ҳақида шундай деб марҳамат қилганлар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: «حُسَيْنٌ مِّنِي وَأَنَا مِنْ حُسَيْنٍ، أَحَبَّ اللَّهُ مَنْ أَحَبَّ حُسَيْنًا».

«Ҳусайн мендан ва мен ҳам Ҳусайнданман. Ҳусайнни севган кишини Аллоҳ ҳам севсин».

Манба: Ахмад ибн Ҳанбал, «*Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал*», 29-жилд, 103-бет, 17560-ҳадис.

Демак, «агар мотам тутиши бўлсайди, Ҳусайннинг бобоси, коинотнинг қуёши - Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) вафоти куни бунга лойиқроқ эди» деб билдирилган фикр-мулоҳаза мутаассиблик юзасидан ўйлаб ўлчамай илгари сурилган. Чунки, Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*)нинг инқилобий ҳаракатлари Пайғамбаримиз олиб келган Ислом динини сақлаб қолиш ва уни қайта жонлантириш учун бўлиб, ушбу улкан иш сабабли Сарвари коинот: «Ҳусайн мендан ва мен ҳам Ҳусайнданман» деб марҳамат қилганлар. Ул зотнинг «Ҳусайн мендан», деб айтишлари маълум ва тушунарли, лекин «Мен ҳам Ҳусайнданман», деб айтишлари эса айнан Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*)нинг Ислом динини сақлаб қолиб, уни қайта жонлантиришга қаратилган инқилобий ҳаракатларига ишорадир. Зоро, Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*) ўзларининг инқилобий ҳаракатлари билан буткул нобуд бўлиш ҳолатига келиб қолган Ислом динини сақлаб қолиб, уни қайта жонлантирилар. Шунинг учун, Сарвари коинот ўзларини Имом Ҳусайн (*алайҳис салом*)дан деб билганлар.

Бу айтилганлардан ташқари, шуни эслатиб ўтиш лозимки, Ислом оламида Карбало воқеасидан оғирроқ фожеа ва мусибат юз бермаган. Шунинг учун ҳам, пайғамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳ (*сөллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам*) келгусида содир бўладиган Карбало воқеасини эслаб йиғлаганлар ҳамда ул зот ўз сахобалари билан бирга мотам мажлиси барпо этганлар. Карбало фожеаси нақадар оғир мусибат эканлигини билиш учун Аҳли суннатнинг буюк уламолари айтган сўзларни кўздан кечирамиз:

لَا قُتِلَ الْحُسَيْنُ مَكْثُنا سَبْعَةً أَيَّامٍ إِذَا صَلَبْنَا فَنَظَرْنَا إِلَى الشَّمْسِ عَلَى أَطْرَافِ الْحَيْطَانِ كَأَنَّهَا الْمَلَاحَفُ الْمَعْصَفَةُ وَنَظَرْنَا إِلَى الْكَوَافِرِ
يَضْرِبُ بَعْضُهَا بَعْضًا.

«Имом Ҳусайн ўлдирилганида, етти кеча-кундуз қуёши нури деворлар устига тушганига қараганимизда, гўё улар устига қизил пардалар тортилганидек кўринарди ва юлдузларга қараганимизда эса, улар бир-бирига урилаётгандек эди».

Манба: Миззий, «*Таҳзийбул камол*», 6-жилд, 432-бет. Табароний, «*Ал-Мўжамул Кабийр*», 3-жилд, 114-бет. Ибн Асокир, «*Тариху Мадинати Дамашқ*», 14-жилд, 227-бет. Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ал-Ҳайсамий, «*Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид*», 9-жилд, 197-бет, Бобу маноқибил Ҳусайн ибн Али. Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «*Сияру аълаамин-нубалааи*»,

3-жилд, 312-бет. Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «*Тарихул ислом ва вафаётил машоҳийр вал-аълом*», 5-жилд, 15-бет.

Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий Ибн Сийрийндан шундай ривоят қиласи:

لَمْ تَبِكِ السَّمَاءُ عَلَى أَحَدٍ بَعْدَ يَجْهِيَ عَلَيْهِ السَّلَامُ إِلَّا عَلَى الْحَسِينِ.

«*Яхё ибн Закариё алаиҳиссаломдан кейин Ҳусайндан бошқа ҳеч кимга осмон иигламади*».

Манба: Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «*Сияру аълаамин-нубалааи*», 3-жилд, 312-бет. Ибн Асокир, «*Тариху Мадинати Дамашқ*», 14-жилд, 225-бет.

Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий шундай ривоят қиласи:

«لَا أَنْ قُتِلَ الْحَسِينُ بْنُ عَلَيٍ مَطْرُوتُ السَّمَاءِ دَمًا فَأَصْبَحَتْ وَكْلَ شَيْءٍ لَنَا مَلَآنَ دَمًا».

«*Ҳусайн ибн Али ўлдирилганида, осмондан қон ёғилди ва биз нимага қўл текизсак, қонга бўялган эди*».

Манба: Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «*Сияру аълаамин-нубалааи*», 3-жилд, 312-бет. Ибн Асокир, «*Тариху Мадинати Дамашқ*», 14-жилд, 227-бет. Миззий, «*Таҳзибул камол*», 6-жилд, 433-бет. Миқризий, «*Имтоъул асмовъ*», 12-жилд, 241-бет. Ибн Ҳиббон, «*Ас-Сиқот*», 5-жилд, 487-бет.

مَلَأَ قَتْلُ الْحَسِينِ اسْوَدَّتِ السَّمَاءَ وَظَهَرَتِ الْكَوَافِرُ خَارِجًا، حَتَّى رَأَيْتَ الْجُوزَاءَ عِنْدَ الْعَصْرِ وَسَقَطَ التَّرَابُ الْأَحْمَرُ.

«*Ҳусайн ўлдирилганида, осмон қоронгулашиб, кундузи чоги юлдузлар кўринди. Кечқурун пайти эса мен Жавзо юлдузини кўрдим ва осмондан қизил тупроқлар ёғиларди*».

Манба: Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «*Таҳзибут-таҳзиб*», 2-жилд, 305-бет. Ибн Асокир, «*Тариху Мадинати Дамашқ*», 14-жилд, 227-бет. Миззий, «*Таҳзибул камол*», 6-жилд, 432-бет. Ибн Асокир, «*Тариху Мадинати Дамашқ*», 14-жилд, 226-бет.

Табароний Зуҳарийдан шундай ривоят қиласи:

لَا قَتْلُ الْحَسِينِ بْنِ عَلَيٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ لَمْ يَرْفَعْ حَجَرَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ إِلَّا وَجَدَ دَمَ عَبِيطَ.

«*Ҳусайн ибн Али разияллоҳу анҳу ўлдирилганида, Байтул-Мақдисда [яъни Қуддусда] кўтарилган ҳар бир тошининг тагида лахта қон бор эди*».

Манба: Табароний, «*Ал-Мўжамул Қабиyr*», 3-жилд, 113-бет.

Бинобарин, Карбало воқеа-ҳодисаси Ислом оламида рўй берган энг оғир ва энг улкан фожеа ва мусибат бўлганини, Имом Ҳусайн (*алаиҳис салом*)нинг инқилобий

ҳаракатлари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алаіҳи ва олиҳи васаллат) олиб келган Ислом динини сақлаб қолиб, уни қайта жонлантириш учун бўлганини ҳамда Сарвари оламнинг ўзлари набилари Имом Ҳусайн (алаіҳис салом) бошига тушадиган ўта оғир мусибатларни хотирлаб, сахобалар билан бирга мотам мажлисини ташкил этганликларини назарга олсак, «агар мотам тутиши бўлсайди, Ҳусайннинг бобоси, коинотнинг қуёши - Пайгамбаримизнинг (алаіҳиссалом) вафоти куни бунга лойиқроқ эди», деб айтилган гап нақадар бемаъни ва асоссиз экани ошкора маълум бўлади.

Сўзимиз ниҳоясида шуни айтиш жоизки, Ашуро воқеаси нафақат шиалар учун, балки бутун дунё ахли учун улкан сабоқдир. Христиан динининг арабзабон олимларидан бўлган Антуан Баро исмли шахс Имом Ҳусайн (алаіҳис салом) ҳақида «Ал-Ҳусайну фил-фикр ал-Масиҳий» номли бир китоб ёзган бўлиб, ушбу китоб ҳозиргача дунёning 53 тилига таржима қилинган. У ушбу китобда айтади:

لو كان الحسين مَنَّا لنشرنا له في كُل أرض رايةً وَلأقمنا له في كُل أرض منبرًا ولدعونا النَّاسَ إِلَى الْمَسِيحِيَّةِ باسمِ الحَسِينِ.

«Агар Ҳусайн биздан бўлса эди, унинг учун ҳар бир заминда бир байроқни кўтарардик ва унинг учун ҳар бир ерда бир минбар ташкил этиб, Ҳусайн номи билан одамларни насронийликка чақирап эдик».

Манба: Антуан Баро, «Ал-Ҳусайну фил-фикр ал-Масиҳий», 357 ва 358-бетлар; www.scribd.com/doc/18759058/null

Имом Ҳусайн (алаіҳис салом) ўзларининг инқилобий ҳаракатлари билан дунёning зулм ваadolatсизлик остида қолган барча мазлум халқларига муқовамат, яъни зулмга қарши туриш ҳамда басийрат ва огоҳлик дарсини ўргатдилар. У ҳазрат инсонларга душманга қарши туриш қандай бўлишини амалда кўрсатиб бердилар.

НАЈОТКЕМАСИ.NET – Xalqaro Islomiy Axborot va Tadqiqot Markazida tayyorlandi.